НКМК — юксак сифат, самарадорлик ва ижтимоий ҳимоя кафолати

№12 (702)

2021 йил
25 июнь

Кончилар ҳаёти

Газета 1991 йилдан чиқа бошлаган

facebook.com/ngmkofficial • t.me/ngmkofficial • instagram.com/ngmk.official • www.pressangmk.uz

■ Шу куннинг долзарб мавзуси



НАВОИЙДА ЁШЛИК БАЙРАМИ

ШУ ЙИЛНИНГ 16-18 ИЮНЬ КУНЛАРИ НАВОИЙ ШАҲРИДА “ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ, БИРЛАШАЙЛИК!” ШИОРИ ОСТИДА БЎЛИБ ЎТГАН ЁШЛАР ФЕСТИВАЛИ МИНГЛАБ ИШТИРОКЧИЛАР ҚАЛБИГА ЎЗГАЧА ШУКУҲ БАҒИШЛАДИ.

Очиғи, яқин вақтда шаҳримизда бунақанги байрамга гувоҳ бўлмаган эдик. Халқ байрамни соғинган эканки, кўчалар, А.Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғи, Маърифат боғи, “Фарҳод” маданият саройи, “Сўғдиёна” ўйингоҳи ва бошқа сўлим манзиллар уч кун давомида аҳоли, ёшлар ва меҳмонлар билан гавжум бўлди. Айниқса, шаҳарнинг марказий кўчалари одамлар оқимига сиғмай кетди. Улар фестивал дастуридан жой олган 50 дан ортиқ ранг-баранг маънавий-маърифий, адабий, кўнгилочар тадбирлар, танловлар, интеллектуал ўйинлар, спорт мусобақалари, учрашув, акциялар, таниқли санъаткорлар, бошловчи ва бадиий жамоаларнинг чиқишларидан чексиз баҳраманд бўлишди.

ДАРВОҚЕ...

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 30 июнь – Ёшлар куни этиб белгиланган мана тўрт йилдирки, ўсиб келаётган авлод қалбига чексиз қувонч, ғайрат-шижоат, эртанги кунга ишонч, завқу шавқ бағишлаб келаяпти. Мана шу даврда ёшларимиз ҳаётига дахлдор қанчадан-қанча мисли кўрилмаган, юксак эътирофга молик ишлар амалга оширилмади, дейсиз! Уларнинг ҳар бири алоҳида мавзудир.

Бугун янги Ўзбекистон ёшларидек бахтли, бахтиёр авлод бўлмаса керак. Негаки, мустақил юртимизда бор куч ва имкониятлар уларнинг фаровон ҳаёт кечириши, ўқиши, касб эгаллашига сафарбар этилган. Бу борада ёшларимиз учун кенг шарт-шароитлар яратиб берилаётир. Ёш авлод бу имкониятлардан ғурурланиб, орзу-мақсадлари рўёбига эришиш йўлида ҳаракат қилиб келмоқда. Айниқса, мамлакатимиз ёшларини янада жипслаштириш, улар қалбида она-Ватанига дахлдорлик ҳиссини ошириш, истеъдодини қўллаб-қувватлаш борасида нуфузли тадбирлар ташкил этилмоқдаки, бу – янги авлод қалбига чексиз ғайрат-шижоат бағишламоқда. Ана шундай қизиқарли тадбирлардан бири, ҳеч шубҳасиз, ёшлар ойлиги давомида ўтадиган ёшлар фестивалидир.

Дарҳақиқат, бу йил Ёшлар ойлиги доирасида ўтадиган тадбирлар, фестивалларга ёшларни кенг жалб этиш учун марра жуда баланд олинди. Ташкилотчилар томонидан тадбирларнинг бир-биридан қизиқ, ёш авлод қалбида ўзгача акс-садо берадиган сценарийси ишлаб чиқилди. Жойларда бўлиб ўтадиган тадбирларга республика бўйича 4,3 миллион нафардан зиёд ёшларни қамраб олиш режалаштирилди. Агарда, айни пайтда юртимизда 14 ёшдан 30 ёшгача бўлганлар сони жами 14,8 миллион нафарни ташкил этишини инобатга олсак, Ёшлар ойлигида уларнинг катта қисми қамраб олинаётгани фестивалнинг кенг қамровлигидан далолат беради.

Хусусан, Ёшлар ойлиги доирасида ёшлар манфаатига хизмат қилувчи кўплаб йирик амалий интеллектуал танловлар, учрашувлар, семинар-тренинг, бизнес марафон, спорт мусобақалари ҳамда гала концертлар ўтказиш мўлжалланган. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида “Бўзатов – Республика ёшлар овози” фестивали, Сирдарё вилоятида “Бағрикенг Ўзбекистон – умумий уйимиз” миллатлараро дўстлик фестивали, Фарғона вилоятида “Талабалар баҳори – 2021” фестивали, Сурхондарё вилоятида “Мунозара” интеллектуал республика турнири, Хоразм вилоятида “Ёшлар – Ўзбекистоннинг бебаҳо хазинаси” фестивали каби барча вилоятларни қамраб оладиган ёшлар фестиваллари, танловлар, учрашувлар ва акциялар ташкил этилмоқда. Шунингдек, ойлик якунида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг барча туман-шаҳарларида республика тарғибот гуруҳи аъзолари иштирокида гала-концертлар бўлиб ўтиши ҳам назарда тутилган.

Бир сўз билан айтганда, июнь ойи ёшларимиз учун мазмунли, қувончларга бой палла бўлаяпти...

Давоми 2-бетда

НАВОИЙДА ЁШЛИК БАЙРАМИ

Давоми. Боши 1-бетда

ЭҲ, СЕНИНГ ЁШЛИГИНГ МЕНДА БЎЛСАЙДИ...

2021 йил 16 июнь... Навоий шаҳри ўзига хос байрам қиёфасига бурканган. Айниқса, бу санани ёшларимиз ўзгача муштоқлик, ҳис-ҳаяжон билан Навоийда ёшлар фестивали янада жўшқинроқ ўтишини кутишди. Чунки улар матбуот, интернет тармоқлари орқали жойларда бу каби тадбирларнинг қандай ўтаётганидан яхши хабардор эди-да. Ва ниҳоят орзиқиб кутилган кунда байрам шукуҳи Навоий вилояти ёшлари ҳаётига кириб келди. Жумладан, 16-18 июнь кунлари вилоятимизнинг марказида “Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!” шиори остида ёшлар фестивалига старт берилди.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш жоизки, вилоятда бу фестивалга ўзига хос катта тайёргарлик кўрилди. Республикадаги тадбир ташкилотчилари, таниқли режиссёрлар томонидан маҳаллий ҳокимлик билан ҳамкорликда вилоят фестивалининг 50 га яқин қизиқарли лойиҳаларини ўзида мужассам этган дастури ишлаб чиқилди. Тадбирларга 300 минг нафарга яқин иштирокчиларни, вилоят ёшларини қамраб олиш назарда тутилди.

Куннинг биринчи ярими Навоий шаҳридаги “Ёшлар маркази” мажмуасида матбуот ва оммавий ахборот воситалари учун матбуот анжумани, буюк мутафаккир А.Навоий ҳайкали майдонида мушоира кечаси, “Замонамиз қаҳрамонлари” лойиҳаси доирасида малакали шифокорлар ва тажрибали ўқитувчилар билан учрашув, маҳсулотлар кўргазмаси, миллий маданий марказлар чиқишлари, ёш спортчи оилалар ўртасида эстафета мусобақаси, “Ёш китобхон оила” танлови, “Ёш ошпазлар беллашуви”, бизнес саёҳат, мақом кечаси каби тадбирларга бой бўлди. Бундай ранг-баранг дастурлар ёшларимиз, вилоят аҳолиси ва меҳмонлар қалбида улкан таассурот қолдирди.

Куннинг иккинчи ярими ва кечки пайтда бўлиб ўтган тадбирлар ундан-да қизиқарлироқ тус олди. Асосий байрам тадбирлари ўтаётган манзиллар минглаб ёшлар, томошабинлар, меҳмонлар, болажонлар билан янада гавжум бўлди.

Айниқса, Навоий шаҳридаги “Коворкинг” марказида бўлиб ўтган тадбир ёш авлодга янгича руҳ ҳамда кайфият улашди. Ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ниятида бўлган ёшларимиз учун “Муваффақиятга эришиш сирлари” мавзусида кўзга кўринган тадбиркорлар иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди. Аниқ мисоллар билан айтганда, “Гранд Авиценна” оилавий клиникаси раҳбари Ғолиб Каримов ёшларга фаолияти, тадбиркорлик йўналишида эришган ютуқлари ҳақида гапириб берди ва тажрибаси билан ўртоқлашди. Шунингдек, 40 нафар ёш дизайнер, тикувчи, моҳир чевар, ҳунарманд хотин-қизлар иштирок этган “Нафосат – 2021” кўрик-танловининг вилоят босқичи ҳам барчада ҳавас уйғотди.

Кези келганда алоҳида таъкидлаш керакки, ушбу фестивал доирасида ўтган тадбирларда Навоий кон-металлургия комбинати ёшлари, маданият ва спорт муассасалари вакиллари ҳам фаол иштирок этишди. Жумладан, 200 нафар ёшлардан таркиб топган волонтёрлар, “Фарҳод” маданият саройи жамоаси, спортчиларимиз ўз иштироки ва чиқишлари билан ташаббускорлик кўрсатишди. Энг қувонарлиси, шу куни бўлиб ўтган мусобақаларда комбинат бўлинмалари вакиллари ҳам рақиблари ўртасида ўзларининг тенгсиз эканликларини намойиш этишди. Жумладан, гандбол буйича 2004-2006 йилларда туғилган қизлар ўртасида бўлиб ўтган “Навоий вилояти ҳокими кубоги”да НКМКга қарашли “Сўғдиёна” ЖТСК жамоаси фахрли биринчи ўринни қўлга киритди. Бундай муваффақиятларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Ёшлар фестивалининг бир-биридан жозибали лойиҳалари шу куни ёшу кекса барчада улкан таассурот қолдиргани шубҳасиз. Мамлакатимиз ёшларига қаратилаётган бу каби эътибор ёшлик даври ортда қолган инсонларда, айниқса, бошқача акс-садо бергани, улар кўнглидан шоирнинг “Эҳ, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди...”, деган туйғулар ўтгани табиий.



ШАҲАР ЯНА БАЙРАМ ОҒУШИДА

2021 йил 17 июнь... Эрта тонгдан шаҳар яна байрам шукуҳига безанди. Кенг кўчалар, кўркам хиёбонлар, маданият ва истироҳат боғлари, маданият саройлари аҳолини бағрига олди. Ёшлар, аҳоли вакиллари, меҳмонлар бир-биридан қизиқарли дастурларни томоша қилиш учун байрамга шошилдилар. Ўзига хос кўтаринкилик билан бошланган стол тенниси бўйича “Прокурор кубоги”, “Қувноқлар ва зукколар” кўрик-танлови, веломарафон бўйича “Ички ишлар бошқармаси бошлиғи кубоги”, самолётлар кўргазмаси, работлар жанги тадбирга ўзгача мазмун касб этди.

Жумладан, шаҳардаги “Илм-маърифат боғи”да ўтаётган “Дуэл” шеърлар танлови, “Ҳар ҳафтада бир китоб мутолаа қиламиз” лойиҳаси ёшларимизни ижодкорликка, китоб ўқишга руҳлантирган бўлса, “Сўғдиёна” спорт саройида спортчи ёшлар волейбол бўйича “Ҳоким кубоги”да беллашдилар. Шунингдек, “Фарҳод” маданият саройида Навоий давлат педагогика институти талаба-ёшлар театри студияси томонидан Насрулло Қобулнинг “Тўда” спектакли намойиш этилди ва бу драма томошабинларда чуқур таассурот қолдирди. Бундан ташқари, “Қувноқлар ва зукколар” мусобақаси, стол тенниси, гандбол, минифутбол бўйича спорт мусобақалари, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини намойиш этишлари учун робототехника ва инновацион ишланмалар кўргазмалари каби кўплаб лойиҳалар намойиш этилди.

Шунингдек, А.Навоий ҳайкали пойига гулчамбар қўйиш, фестивалнинг очилиш машъаласини ёқиш, “Сўғдиёна” ўйингоҳида ички ишлар органлари ходимлари ва миллий гвардиячиларнинг кўргазмали чиқишлари, “Ёшлар кўли”да “Баҳор” симфоник оркестри ва Қорақалпоғистон халқ артисти, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Женисбек Пиязовнинг чиқишлари барчага кўтаринки кайфият улашди. Шу куни гўзал табиат қўйнида барпо этилган бетакрор саҳнада янграган куй-қўшиқлар мухлислар қалбидан чуқур жой олди.

Маълумотларга кўра, фестивалнинг иккинчи куни 160 минг нафардан зиёд иштирокчилар қалбини хушнуд этди. Шаҳарга осуда тун чўккан пайтда халқ эртанги якуний байрам дастурида, албатта, иштирок этишни ният қилди.

ҲАЛИ БУНАҚАСИ БЎЛМАГАН...

2021 йил 18 июнь... Фестивалнинг учинчи куни эрта тонгдан яна кўтаринкилик билан тус олди. Байрам дастурига киритилган турли тадбирлар мухлисларни ўзига чорлади. “Ёшлар кўли” майдонида ҳарбий парад ва бошқа кўплаб лойиҳалар бўйича тадбирлар бўлиб ўтди.

Қуёш ўз ётоғига бош қўйиш чоғида гала-концерт, узоқ давом этадиган мушакбозлик, дронлар шоуси, тақдирлашлар ва бошқа лойиҳалар довруғини эшитган халқ Навоий шаҳридаги асосий майдонига оқиб кела бошлади. Ва ниҳоят орзиқиб кутилган дақиқалар келди. Бутун шаҳарни забтига олган мусиқа садолари, олқишлар тадбирга янада ўзгача руҳ бағишлади. Унда сўз олган вилоят ҳокими Қобулжон Турсунов ёшларни, бутун навоийликларни байрам билан қутлади ва ўз тилакларини изҳор этди.

Анъанага кўра, бир гуруҳ навоийлик фаол ёшларга пул мукофотлари, автомашиналар, уй калитлари ва бошқа қимматбаҳо совғалар тантанали равишда топширилди. Хусусан, “Токио 2021” олимпиадаси йўлланмасини қўлга киритган гимнастикачилар – Севара Сафоева ва Нилуфар Шомуродованинг ҳар бирига 50 миллион сўмдан, спортнинг оғир атлетика тури бўйича жаҳон чемпиони Кумуш Файзуллаевага “Спарк”, эркин кураш тури бўйича қатор ютуқларни қўлга киритиб келаётган Бегзод Абдураҳмоновга “Нексия”, “Навоийлик ёш навоийхонлар” кўрик-танлови ғолибаси Лобархон Жалоловага “Спарк” автомашинаси, “Меҳрибонлик уйи” тарбияланувчилари, чин етим ва ота-онаси қарамоғидан маҳрум бир гуруҳ ёшларга уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида икки хоналик квартира калитлари топширилди.

Шундан сўнг гала-концертнинг орзиқиб кутилган палласи бошланди. Пойтахтимиздан ташриф буюрган санъат усталари – Муниса Ризаева, Шохруҳхон, Улуғбек Раҳматуллаев, Жаҳонгир Позилжонов, “Беном“ гуруҳи, Достон Эргашев, Женисбек Пиязов, Ширин Маматова ва бошқа таниқли санъаткорлар ва ёш истеъдод эгалари ижросидаги куй-қўшиқлар, рақслар йиғилганларга кўтаринки кайфият бағишлади. Айниқса, қорақалпоғистонлик ёш хонанданинг таклифига кўра, вилоят ҳокими Қобул Турсунов тор чертиб, даврага янада жозиба бахш этди.

Ёшлар фестивалида мўъжизакор мушакбозлик, шунингдек, 500 дона дронларнинг шаҳримиз осмонида турфа хилда товланишини навоийликлар олқишлар билан қарши олдилар.

Бир сўз билан айтганда, шу йилнинг 16-18 июнь кунлари вилоятимиз солномасига ёрқин муҳрланди, десак айни ҳақиқатдир. Бу кунлар ҳар бир лаҳзасидан завқ олган эл бир-биридан қизиқарли тадбирларга гувоҳ бўлишди. Тадбирдан олам-олам таассурот билан қайтар эканмиз, беихтиёр ёнимда кетаётган бир онахон “Навоийда ҳали бунақаси бўлмаган”, деб юборди. Аслида ҳам шундай. Бунга иштирокчилар ҳам гувоҳ. Мухтасар айтганда, навоийликлар бу фестивалга жуда катта тайёргарлик кўргани амалда ўз тасдиғини топди.

Дарвоқе, бу каби байрам тадбирлари шаҳар ва туманларда ҳам шу йилнинг 25 декабрига қадар давом этади.

Абдумажид ЖЎРАЕВ.
Виктор ЯКОВЛЕВ ва
Сирож АСЛОНОВ
олган суратлар.

■ Иқтисодий ислоҳотлар

Бугунги шиддатли замонда рақамли технологиялар кон-металлургия, кимё, энергетика, қурилиш, банк иши, транспорт логистикаси, савдо, таълим, соғлиқни сақлаш, давлат бошқаруви, оммавий ахборот воситалари ўртасидаги муносабатларни тубдан ўзгартирмоқда. Иқтисодиётда рўй бераётган ўзгаришлар ва рақобатнинг ўсиши инновациялар ва рақамли технологияларни кенг жорий этишни тақозо этади. Мамлакатимизнинг рақамлаштириш даражаси унинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётини белгилайди. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда ислоҳотлар жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларни жорий этиш, аҳолининг телекоммуникация хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ва давлат хизматларини электрон шаклга ўтказиш соҳасида салмоқли натижаларга эришилмоқда.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ РАҚАМЛАШТИРИШ

кон саноатини янги босқичга олиб чиқади

Навоий кон-металлургия комбинатида бу борада техник ва технологик ўзгаришлар, манзилли инвестицион лойиҳалар амалга оширилаяпти. Бугунги кунда корхонада геологик-қидирув ишларидан тортиб, тайёр маҳсулотларни олишгача бўлган жараён тўлиқ рақамлаштирилмоқда.

Айниқса, “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегияси доирасида 2020-2022 йилларда НКМКни рақамли трансформация қилиш дастурида тасдиқланган лойиҳалар доирасида комбинат 2-гидрометаллургия заводининг янги фойдаланишга топширилган 29 ва 30-тегирмонларида, 5-гидрометаллургия ва 7-гидрометаллургия заводларини автоматлаштирилган бошқарув тизимини қўллаган ҳолда рақамлаштириш босқичма-босқич амалга оширилди.

Комбинат мутахассислари транспорт бошқаруви, ишлаб чиқариш, молия, кадрлар, моддий-техника таъминоти, корхонанинг энергия ресурсларини назорат қилиш, режали таъмирлашни бошқариш, бухгалтерия ҳисоби каби йўналишларда 200 га яқин ишлаб чиқариш ва бошқариш вазифаларини бажарадиган 20 дан ортиқ ахборот тизимларини ишлаб чиқишди. Геологик-қидирув маълумотларининг электрон базасини яратиш, конларнинг геологик тузилишини хариталаш, конларнинг ён бағирлари деформациясини аввалдан аниқлаш, захираларни ҳисоблаш ва кончилик ишларининг 3D-моделларини лойиҳалаштириш учун кон-геологик ахборот тизимлари жорий этилди.

Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда бўлаётган барча жараёларнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Бугунги кунда комбинатда 3,5 мингдан ортиқ транспорт ва механизмларни бошқариш сунъий йўлдош мониторинги тизими орқали амалга оширилаяпти. Соҳа мутахассислари томонидан транспорт логистикаси ва карьер паркини бошқариш, экскаваторлар ва бурғилаш қурилмаларини мониторинг қилиш ахборот тизимларини ишлаб чиқиш борасидаги ишлар якунланмоқда.

Комбинатнинг барча гидрометаллургия заводларидаги автоматлаштирилган бошқариш тизимлари рақамли технологияларга асосланиб, руда тайёрлаш, майдалаш, бойитиш каби технологик жараёнлар тўлиқ қамраб олинган. Хусусан, янгидан қуриб фойдаланишга топширилган 5 ва 7-гидрометаллургия заводларида ишлаб чиқаришни рақамлаштириш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда. Шунингдек, янги уран конларида ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ишлари иш унумдорлигини ошириш билан бир қаторда энерготежамкорликни таъминламоқда.

Рақамлаштириш, ишлаб чиқаришга инновацияларни самарали жорий этиш тўғрисида сўз кетганда, албатта 3-гидрометаллургия заводида амалга оширилган ишларни алоҳида эътироф этиш жоиз. Навоий кон-металлургия комбинатини 2026 йилгача ривожлантириш дастури доирасида “Кокпатас” ва “Довгизтов” конларининг ишлаши қийин бўлган маъданларидан олтин ажратиб олиш технологиясини такомиллаштириш лойиҳаси энг йирик инвестицион лойиҳалардан бири ҳисобланади. Германиянинг “Инжиниринг Доберсек” фирмаси билан биргаликда замонавий мажмуанинг ишга туширилиши мамлакатимиз кон-металлургия саноати тарихида янги босқични бошлаб берди. Мазкур мажмуа 3-гидрометаллургия заводига келтирилаётган хомашёдан фойдаланиш самарадорлигини 15 фоизгача, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни эса 11 фоизга оширди.

Ушбу олтинни қайта ишлаш технологияси дунёда ўхшаши йўқ бўлиб, жараён тўлиқ автоматлаштирилган. Ишлаб чиқаришни бошқариш тизимини татбиқ этишнинг мураккаблиги шундаки, жараёнга 500 дан ортиқ технологик ускуналар жалб қилинган. Масалан, насослар, фильтр прессларни, конвейерлар, грануляторлар, компрессорлар ва бошқалари тўлиқ рақамли технологиялар асосида бошқарилади. Автоматлаштириш жараёнида 1000 дан ортиқ назорат ва ўлчаш асбоблари ўрнатилган бўлиб, оптик толали алоқа линиялари ётқизилган.

– Ҳар қандай корхонада сунъий интеллект элементларини жорий қилиш ишлаб чиқариш линияларини ўзгартиришга техник тайёргарлик кўришдан бошланади, – дейди НКМК Ишлаб чиқаришни автоматлаштириш бошқармаси бошлиғи Воҳиджон Пўлатов. – Шу мақсадда барча бўлинмаларда техник математик ҳисоблашларни амалга ошириш учун дастурий таъминот яратилган. Жумладан, 7-гидрометаллургия заводида сорбентнинг десорбцияси ва қайта фаоллашуви жараёнида технологик қоидаларга риоя қилиш жуда муҳим роль ўйнайди. Чунки, тўйинган сорбент тортиб олинадиган металлдан тўлиқ тозаланиши ва унинг сорбцияланиш хусусиятини тиклаши керак. Рақамли тизим эса ҳарорат, босим, ишлов бериш ускуналарини тўлдириш даражаси ва материал сарфи каби параметрларни тўлиқ назорат қилади ва тартибга солади. Руда ташиш ва майдалаш механизмларини тезкор бошқариш руда тайёрлаш технологик жараёнининг самарадорлигини оширишга ва технологик ускуналарнинг фавқулодда тўхташ вақтини камайтиришга имкон беради.

Бугун инсон “сунъий интеллект” ёрдамида янгидан-янги ишларни рўёбга чиқаришга интилмоқда. Давлатларнинг куч-қудрати эса, уларда “рақамли иқтисодиёт”нинг нечоғлик ривожлангани билан белгиланаяпти. Шундай шароитда Навоий кон-металлургия комбинатида илғор ахборот технологияларини фаол қўллаш, қўллаганда ҳам шунчаки эмас, балки ҳар бир жараёнда илм-фан ва ишлаб чиқаришни уйғунлаштиришга қаратилаётгани бугунги эришаётган юқори натижаларга асос бўлмоқда. Муҳими, одамлар турмуши яхшилаб, катта-катта инновацион ишланмалар, истиқболли лойиҳаларга йўл очмоқда.

■ Янгиликлар

“МУРУНТОВ” ФОРУМИ –

ишлаб чиқариш ва олий таълим ҳамкорлигининг ёрқин намунаси

Навоий давлат кончилик институтида олий таълим муассасалари ректорлари иштирокида илк бора “Мурунтов” форуми бўлиб ўтди. Тадбир Президент Шавкат Мирзиёев раислигида жорий йилнинг 16 июнь куни олий таълим тизимидаги устувор вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида белгилаб берилган вазифалар ижросига қаратилди.

Форумда мамлакатимизнинг етакчи олий таълим муассасалари, жумладан Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат техника университети, Қорақалпоқ давлат университети, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент давлат педагогика университети, Тошкент молия институти, Фарғона политехника институти, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Тошкент давлат техника университети Олмалиқ филиали ва Навоий давлат педагогика институти раҳбарлари иштирок этдилар. Улар Навоий кон-металлургия комбинатининг 2 ва 7-гидрометаллургия заводларига ҳамда дунёдаги энг йирик олтин конларидан бири – “Мурунтов”га ташриф буюришди.

Тадбир иштирокчилари Навоий давлат кончилик институтининг ўқув ва илмий лаборатория базаси ҳамда технопарки билан яқиндан танишиб, Навоий кон-металлургия комбинати ва кончилик институти ўртасида яратилган ўзига хос интеграция тажрибаси билан яқиндан танишдилар. Тадбир иштирокчилари ўқув ва илмий тадқиқот соҳаларидаги тажрибаларини бошқа олий таълим муассасаларига жорий қилиш, лаборатория базаларидан жамоавий фойдаланишнинг самарали механизмаларини ишлаб чиқиш каби долзарб масалаларни муҳокама қилишди.

Мазкур форум доирасида олий ўқув юртлари ўзаро ҳамкорликни мақсадли ташкил этиш, ишлаб чиқариш билан меҳнат бозори талабларига мос мутахассисларни тайёрлаш, корхоналардаги ишлаб чиқаришга алоқадор муаммоларини ечишда кафедралар ҳузурида илмий марказлар ташкил этиш орқали натижадорликка эришишга келишиб олинди. Келгусида ишлаб чиқариш корхоналарини технологик ва иқтисодий модернизация қилишда олий таълим муассасалари ролини ошириш механизмлари зарурлиги қайд этилди.

Тадбир якунида иштирокчи олий таълим муассасалари ва Навоий давлат кончилик институти ўртасида ўзаро ҳамкорлик шартномалари имзоланди.

ШОЙИМ БЎТАЕВ: КОНЧИЛАРНИНГ ҲАЁТИ ЎЗИ КАТТА АСАРДИР

Таниқли ёзувчи, кинодраматург Шойим Бўтаев жорий йилнинг 10-14 июнь кунлари Навоий кон-металлургия комбинати бўлинмаларида ва Навоий давлат кончилик институтида бўлиб, ишчи-ходимлар ва ёшлар билан учрашди.

Комбинатнинг Навоий, Зарафшон, Учқудуқ шаҳарлари, Заркент, Зафаробод қўрғонларида жойлашган ишлаб чиқариш ва ижтимоий объектларида, айниқса кутубхоналарда таниқли ёзувчи Шойим Бўтаев билан ижодий мулоқотлар ҳам ташкил этилди. Навоий давлат кончилик институти талабалари билан ўтказилган “Янги Ўзбекистон – янгича дунёқараш” шиори остидаги тадбирда китоб мутолааси инсон тафаккурининг ўсишига, маънавий дунёсини бойишига туртки бўлиши алоҳида таъкидланди.

– Қизилқум чўли шароитида меҳнат қилаётган кончилик ва металлургия соҳаси фидойиларининг шарафли фаолиятини жасоратга қиёслаш мумкин. Комбинат тизимларида рўй бераётган ўзгаришлар, янги заводларнинг ишга туширилиши, замонавий техникаларни маҳаллий кадрлар бошқараётганлигидан ҳайратландим, уларнинг ҳаёти ўзи катта асардир, – дейди Ш.Бўтаев.

Саҳифани
Азамат ЗАРИПОВ тайёрлади.

■ 30 июнь – Ўзбекистон Республикаси ёшлари куни

НАВОИЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ:

фаол, ташаббускор ва илмли ёшларига ишонади

2021 йил – “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да комбинат ёшлари билан биргаликда кўплаб ишларни амалга оширишни белгилаганмиз. Шу жиҳатдан ўтиб бораётган ҳар бир кун биз ёшлар учун ҳақиқий унутилмас, қувончли воқеаларга бой бўлиб бораяпти.

Дарҳақиқат, муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида мамлакатимиз ёшлари ҳаётида асрларга татигулик ўзгаришларга тамал тоши қўйиш ишлари шиддатли тусда давом этмоқда. Бундай юксак эътибор ўсиб келаётган ёш авлодга кенг имкониятлар яратиб бермоқда. Бу, учинчи Ренессанс даврида янги Ўзбекистоннинг дунёга янгича қиёфада бўй кўрсатаётганидан далолатдир. Бу каби эътибордан чексиз баҳраманд бўлаётган ёшларимиз юз-кўзларида бугун ғайрат-шижоат, ташаббускорлик, интилиш, билимга чанқоқлик ва жонажон Ватанига дахлдорлик ҳисси намоён. Улар ҳаракатидан келажак ишончли қўлларда, деган фикрга келасан киши.

Бугунги кунда комбинатда 16 минг нафарга яқин ёшлар меҳнат қилмоқда. Комбинатда ишчилар ва муҳандис-техникларнинг ўртача ёши ўттиз еттида, раҳбар ходим ҳамда мутахассисларнинг йигирма беш фоизини ўттиз ёшгача бўлган йигит-қизлар ташкил этади. Бу, ҳеч шубҳасиз, корхонада ёшларимиз энг катта куч эканлигини, эртанги кун учун янги издошлар етишиб келаётганини тасдиқлайди. Эришилаётган ютуқларда уларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Энг қувонарлиси, ёшларимизнинг 2,8 минг нафари олий маълумотга эга бўлиб, уларнинг 378 нафари турли раҳбарлик лавозимларида, 1368 нафари эса кон-металлургия саноатида танлаган мутахассисликлари бўйича ишлаб келмоқда.

Алоҳида қайд этиш керакки, комбинат раҳбарияти ёшлар масаласига эътибор қаратиш билан бирга, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга ҳам рағбат кўрсатиб келаяпти. “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”га доир қабул қилинган дастурда 172,8 млрд сўмлик ишларни амалга ошириш назарда тутилган. Жумладан, бешта муҳим ташаббусни амалга ошириш ишларига 300 млн сўм, “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!” лойиҳаси бўйича 4 мингдан ортиқ ишчи-ходимлар учун тарихий жойларга саёҳатлар ташкил этишга 1 млрд сўм, иқтидорли ёшларни кашф этиш, уларнинг инновацион ишланмалари ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш йўналишида 200 млн сўм, вилоятимизда ишсиз ва уюшмаган ёшларни комбинатнинг ўқув марказларида 11 та касб-ҳунарга ўқитишга 1 млрд сўм маблағ сарфланиши кўзда тутилган.

Комбинат раҳбарияти томонидан ёшларни қўллаб-қувватлаш, улар истеъдодини рўёбга чиқариш, ёш мутахассисларни тарбиялаш борасида ўзига хос мактаб яратилган. Жумладан, ҳар йили ёшларимиз ўртасида “Йилнинг энг ёш мутахассиси”, “Йилнинг энг ёш касб эгаси”, “Йилнинг энг яхши рационализаторлик таклифи”, “Йилнинг энг яхши ёшлар етакчиси” каби танловлар ўтказилиб келинмоқда. “Устоз-шогирд” анъанаси бўйича янги қабул қилинган ёшларни тажрибали мутахассисларга бириктириш, ёш ходимларни республика ва комбинат тизимида мавжуд ўқув марказларида малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш мунтазам равишда олиб борилмоқда.

Июнь ойи – биз ёшлар учун ҳаётимиздаги энг қувончли, орзиқиб кутадиган ойдир. Мана тўрт йилдирки, бу ойни – Ёшлар ойлиги сифатида кенг нишонлаб келаяпмиз. Бу йил ҳам ушбу ойни ўзига хос ранг-баранг дастурлар доирасида ўзгача тараддуд билан кутиб олдик.

“Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!” шиори остида комбинат бўлинмаларида “Раҳбар ва ёшлар учрашуви” ўтказилиб келинмоқда. Йил бошидан буён ўтказилиб келинаётган “Энг яхши китобхон” онлайн танлови, “Заковат” ва “Что? Где? Когда” интеллектуал ўйинлари ғолиблари аниқланиб, тақдирланишди. “Тасвирий ва амалий санъат” кўрик-танлови бўйича ижодий ишлар қабул қилинмоқда, спортнинг футбол ва волейбол турлари бўйича “НКМК кубоги” спорт мусобақалари давом этмоқда. “Эзгулик албатта қайтади” қон топшириш акцияси ва бошқа муҳим лойиҳалар амалга оширилмоқда.

16-18-июнь кунлари Навоий шаҳрида бўлиб ўтган ёшлар фестивалида комбинат ёшлари ҳам фаол иштирок этишди. Комбинатнинг 250 нафар волонтёрлари “Фарҳод” маданият саройи, “Сўғдиёна” спорт саройи масъул ходимлари билан ҳамкорликда уч кунлик фестивалда ўзларининг беминнат ҳиссаларини қўшишди. Фестивал дастуридан ўрин олган “Замонамиз қаҳрамонлари” лойиҳаси доирасида НКМК музейида Ўзбекистон Қаҳрамонлари Қувондиқ Санақулов ва Фарҳод Сойибовлар ва ёшлар ўртасида давра суҳбати ташкил этилди, “Қувноқлар ва зукколар” ва “Ёш театр студиялари” кўрик-танловларида комбинат ва Навоий давлат кончилик институти ёшлар жамоалари фаол иштирок этишиб, фестивал кўркига кўрк қўшишди. “Фарҳод” маданият саройи ва Болалар ижодиёт маркази томонидан ташкил этилган “DJ Fest” дижейлар чиқишлари, “Urban fest” замонавий рақслар танлови ҳамда “Роботлар жанги” мусобақалари фестивалга республикамизнинг шаҳар ва туманларидан ташриф буюрган ёшлар учун унутилмас онларни бахшида этди десам муболаға бўлмайди.

Бугун бизнинг сафимизда фаол ёшларимиз кўпчиликни ташкил этади. Улар ўз ғоялари, яратувчанлик намуналари, истеъдоди ва ижоди билан жамоамизда ҳурмат қозониб келаяпти. Баҳодир Абдуллаев, Сардор Раҳмонов, Саодат Бобоёрова, Фаррух Абдимуминов, Рустам Заитовлар шундай оловқалб ёшларимиз ҳисобланади ва ташаббускорлик бобида тенгдошларига ўрнак бўлиб келаётганини фахр билан таъкидлаш жоиз.

Мухтасар айтганда, ёшларимиз қалбида эртанги кунга ишонч ҳиссини мустаҳкамлаш бош вазифамиздир. Бунинг учун уларга кенг имкониятларни яратиш, ёшларни қўллаб-қувватлаш, руҳлантириш, муаммоларини ўз вақтида ҳал этиш асосий мақсадимиз бўлиб келган, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Бунинг учун биринчи навбатда ёшларимизнинг хоҳиш-истагини тўла англашимиз муҳим ва бу, албатта, эътиборимизда бўлади.

Фурсатдан фойдаланиб, мамлакатимиз ёшларини, тенгдошларимизни яқинлашиб келаётган 30 июнь – Ёшлар куни билан қизғин табриклайман. Мустаҳкам соғлик-саломатлик, келгусидаги ишларига зафарлар тилайман.

Санжар РАЖАБОВ,
НКМК ёшлар етакчилари Кенгаши раиси.

ЗУККО ВА БИЛИМДОН ЁШЛАР БЕЛЛАШДИ

Комбинат ёшларининг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, улар истеъдоди ва фаоллигини ошириш ҳамда муносиб рағбатлантириб боришда турли йўналишдаги танловларнинг аҳамияти беқиёс. Бу борада НКМК ёшлар етакчилари ташаббуси билан комбинат маъмурияти ҳамда касаба уюшмаси Кенгаши кўмагида ёшлар ўртасида танловлар ташкил этиб келинмоқда.

Жорий йилнинг 19 июнь куни “Фарҳод” маданият саройида “Заковат” ҳамда “Что? Где? Когда?” интеллектуал ўйинларнинг “НКМК кубоги” финал босқичи бўлиб ўтди. Ўзбек ва рус тилларида ўтказилган мазкур интеллектуал ўйинларнинг финал босқичида комбинат бўлинмаларидан 13 та ёшлар жамоаси иштирок этди. Финалгача комбинат бўлинмалари негизида ўтказилган саралаш босқичларида 100 дан ортиқ ёшлар жамоалари қатнашишганди. Интеллектуал ўйинларнинг қоидаларига мувофиқ, беш нафар иштирокчидан иборат ҳар бир жамоага 10 та савол берилиб, ҳар бир саволга жавоб бериш учун бир дақиқадан вақт ажратилди.

Якуний натижаларга кўра, “Заковат” интеллектуал ўйинида 5-кон бошқармаси ва Навоий машинасозлик заводи жамоалари фахрли учинчи ва иккинчи ўринларни эгаллашди. Ғолибликни “Дўстлик” агрофирмаси ёшлар жамоаси қўлга киритди.

Рус тилида ўтказилган “Что? Где? Когда?” интеллектуал ўйинида Марказий кон бошқармаси жамоаси биринчи, Навоий машинасозлик заводи жамоаси иккинчи, 5-кон бошқармаси жамоаси учинчи ўринга муносиб топилди.

Ғолиб ва совриндорларга диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

НКМК Матбуот маркази.

■ 30 июнь – Ўзбекистон Республикаси ёшлари куни

БУГУН ЮРТИМИЗНИНГ ҲАР БИР ГЎШАСИДА ЁШЛАР ОЙЛИГИ ДОИРАСИДА ТУРЛИ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР КЕНГ ТУС ОЛДИ. БУНДАЙ ТАДБИРЛАР ЎСИБ КЕЛАЁТГАН АВЛОД ҚАЛБИДА ЁРҚИН ИЗ ҚОЛДИРМОҚДА. ЖУМЛАДАН, ЯҚИНДА “НКМК ТАРИХИ” МУЗЕЙИДА “ЗАМОНАМИЗ ҚАҲРАМОНЛАРИ” ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДА ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ БЎЛИБ ЎТДИ.

ЗАМОНАМИЗ ҚАҲРАМОНЛАРИ

ёшларга серқирра ҳаёт йўлидан сўзлаб беришди

Бугун жонажон юртимизда барча соҳа вакиллари меҳнати ўз рағбатини топиб келаяпти. Фидоий инсонлар давлатимизнинг юксак унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирланаётгани, улар орасида Ўзбекистон Қаҳрамони деган юксак унвонга сазовор бўлганлар борлиги ва энг қувонарлиси вилоятимиздаги уч нафар Қаҳрамон айнан Навоий кон-металлургия комбинатида меҳнат қилаётгани қалбимизга чексиз фахру ифтихор бағишлайди. Албатта, бу инсонлар босиб ўтган шарафли йўл барчамиз учун ибратли, ҳавас қилишга арзигулиқдир.

Тадбирда Навоий кон-металлургия комбинати бош директори, Ўзбекистон Қаҳрамони Қувондиқ Санақулов ҳамда Марказий кон бошқармаси Ўқув маркази устаси, Ўзбекистон Қаҳрамони Фарҳод Сойибовлар иштирок этишди. Жумладан, замонамиз қаҳрамонлари босиб ўтган серқирра фаолият йўли ҳақида ёшларга гапириб беришди. Шунингдек, учрашувда Шимолий кон бошқармаси кон техникаларини таъмирлаш цехи устаси, Ўзбекистон Қаҳрамони Анатолий Паниннинг ёшларга табриги видеоролик орқали намойиш этилди. Ўзига хос мазмун касб этган ушбу учрашув ҳақиқий очиқ мулоқот майдонига айланди, қизиқарли савол-жавобларга бой бўлди.

– Очиғи, Ўзбекистон Қаҳрамонлари ҳаёти ва фаолиятига доир ҳикоялардан ниҳоятда таъсирландим. Улар ҳар бирининг умр йўли биз ёшлар учун ибрат бўлгулиқдир. Негаки, улар ўзларининг кон-металлургия соҳасидаги фидокорона меҳнати билан ўзлари учун шарафли ҳаёт солномасини ярата олишди, элу юртда юксак ҳурмат-эътибор қозонишга эришди. Бундан биз ҳам ҳамиша фахрланамиз, – дейди Жанубий кон бошқармаси ёшлари етакчиси Шуҳрат Аббосов.

Бу йил мустақиллигимизга 30 йил тўлаяпти. Айни пайтда энг улуғ, энг азиз байрамга катта тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Мазкур тадбир юртимизнинг қутлуғ тўйи арафасида ташкил этилганида ҳам рамзий маъно мужассам. Зеро, байрам шукуҳи дилларни қувонтириб турган шу кунларда, албатта, элга таниқли инсонлар ҳаёти ҳақида эшитиш ҳар жиҳатдан мароқлидир...

Абдумажид ЖЎРАЕВ.

ФЕСТИВАЛЬ МОЛОДЕЖИ

День молодежи — национальный праздник молодых людей страны, который отмечается ежегодно 30 июня в Узбекистане, в день образования Союза молодежи Узбекистана.

В этом году данный праздник отмечается в течение всего месяца во всех крупных городах фестивальным движением.

Фестиваль «Янги Узбекистон ёшлари, бирлашайлик!» в г.Навои проходил три дня, с 16 по 18 июня, и стал во всех смыслах значимым и взрывным событием для юношей и девушек.

7 специальных зон по городу были доступны для проведения масштабного празднования Дня молодежи, поэтому перекрыли движение транспорта по центральной улице имени И.Каримова для свободного моциона гостей и жителей г.Навои.

– Невероятно много людей вышли на улицы города, чтобы посмотреть Молодежный фестиваль, – делится впечатлениями Карина Хамраева. – Давно не было массовых гуляний из-за пандемии коронавируса. Я, как представитель молодого поколения очень рада такому событию.

– Поддались всеобщей волне и тоже вышли «в толпу», которой в первый Молодежный день была тьма-тьмущая, – рассказывает очевидец фестиваля Алена Горбачева. – Кажется, такого количества гуляющих по Навои я видела разве что в детстве. К удивлению, моя маленькая дочка чувствовала себя комфортно в соцпотоке, она лишь задавалась вопросом: почему люди гуляют по автотрассе на красный светофор?

– С мужем каждый вечер прогуливаемся по родному району, живем рядом с гостиницей «Ёшлар», – рассказывает Надежда Александровна. – Вчера были приятно удивлены параду молодых людей, которые прошли мимо нашего дома, маршируя, выкрикивали «Навои». Желаю нашим девчонкам и парням наслаждаться каждым моментом в их жизни, любить свою Родину, не забывать стариков и учиться, учиться, учиться!

Во второй день фестиваля организаторы подготовили еще более насыщенную программу. Люди только и успевали перемещаться из одной дислокации в другую. Каждый хотел посетить тематические мероприятия, потому как каждое из них представляло собой яркое, позитивное, красочное и познавательное шоу. Также по городу прошли спортивные состязания. Живую цифру «30» сложили сотни волонтеров на стадионе ФСК «Согдиана». Вечером 17 июня на открытом воздухе играли ди-джеи и государственный симфонический оркестр.

– На мгновение показалось, что нахожусь в другом городе, когда попал на Open Air DJ Fest, – делится впечатлениями от концерта ди-джеев у ДК «Фархад» Анвар Каримов. – Зрелищное музыкальное шоу наделало шуму, взорвало танцпол и позволило оторваться молодежи по полной. Много пели, много танцевали, не нарушая личное пространство, закон и порядок. Очень хочется, чтобы Open Air DJ Fest проходил хотя бы раз в два месяца, а не один раз в год, ведь он объединяет молодых людей, помогает раскрыть музыкальные таланты, понять какой жанр музыки по душе.

Заключительный день фестиваля побил все рекорды по фееричности представлений, люди посмотрели и шоу дронов, и салюты, и гала-концерт популярных поп-исполнителей, и поднятие воздушных шаров в небо.

Щедро, не скупясь, координаторы фестиваля «Янги Узбекистон ёшлари, бирлашайлик!» постарались создать грандиозный праздник для гостей и жителей Навои.

Возлагая на молодых людей большие надежды, призываем их разделить единую судьбу народа, развиваться в ногу со временем при наличии высоких устремлений, моральных качеств и больших умственных способностей и служить своему родному Узбекистану.

Мила КАРИМОВА
Фото Виктора ЯКОВЛЕВА.

Орамиздаги одамлар

Бугун юртимиз улкан қурилишлар ва бунёдкорлик майдонига айланган. Бундан икки-уч йил муқаддам яйдоқ саҳро бўлган майдонда “Ауминзо-Амантой” конининг карьерлари ишга туширилганлиги, Зарафшон шаҳрига олиб борадиган йўлнинг чап томонида 5-гидрометаллургия заводи ҳамда барча қулайликларга эга Ишчилар шаҳарчаси барпо этилганлиги, маъмурий бино ва ётоқхоналар атрофлари ободонлаштирилиб, гулзорга айлантирилганлигини кўриб кўзингиз қувонади. Қалбингизда мазкур саноат ҳудудида меҳнат қилаётган авлоднинг бахтли келажаги ҳақида илиқ таассуротлар уйғонади.

Суратда: Алишер Эшмўминов (ўртада) кон жамоасида ҳурмат қозонган ишчи-ходимлардан биридир.

КАСБИНИ ШАРАФЛАЁТГАН ЙИГИТ

Комбинат бўлинмаларининг оддий ва айни пайтда шарафли касб эгалари фидоийликлари, астойдил хизматлари билан юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Улар ўзлари ҳақида гапиришни хоҳлашавермайди, мободо сўрагудек бўлсангиз ҳам “Ҳамма қатори ишлаяпмиз”, – дейишади камтарлик билан. Аслида ўз бурчини виждонан, ҳалол бажараётган инсонларнинг заҳматли меҳнати билан комбинатнинг шуҳрати тобора ошиб бораяпти.

Марказий кон бошқармаси “Ауминзо-Амантой” кони очиқ кон ишлари участкаси экскаватор машинисти А.Эшмўминов шаънига худди шундай таъриф жуда муносибдир. Ер юзининг сайқали Самарқанд шаҳрида туғилган Алишернинг болалик ва ўсмирлик даври Пахтачи тумани Хайробод маҳалла фуқаролар йиғинида кечди. У ақлини танибдики, ҳаётда ўз ўрнини топишга интилиб, изланиб, бу йўлда машаққатларни енгиб, бирин-кетин кўнгли тубидаги мақсадларига эришиб келаяпти. Ўрта мактабдан сўнг азим пойтахтимиз Тошкент шаҳридаги Республика тиббиёт билим юртини доришунослик мутахассислиги бўйича тугатганида ҳали йигирма ёшга тўлмаган эди. Қарийб етти йил тумандаги хусусий фирмада фармацевт бўлиб ишлади. Ёш, куч-ғайратга тўлган даври эмасми, аллақандай романтик орзулар уни қулай шароитга эга дорихонадан кўра бошқа, машаққатлироқ соҳада ишлашга чорларди. А.Эшмўминов Марказий кон бошқармаси Ўқув марказида экскаватор машинисти касби бўйича ўқиди ва янги йўналишдаги ишини жаҳонга машҳур “Мурунтоғ” конининг “Шарқий” участкасида экскаватор машинисти ёрдамчилигидан бошлади. Биринчи кундан англагани шу бўлдики, бу ерда жамоа бошқача, одамлар бироз ўзгачароқ, иш қийин, аммо ҳеч ким нолимас, аксинча очиқчасига айтилавермасада, ҳар бир кишида пинҳона касбидан беҳад ғурурланиш ҳисси ҳукмрон ва бу туйғу ютуқлар омили бўлиб хизмат қиларди.

Тажрибали машинист Жондулла Раҳмонов Алишернинг соҳага шунчаки ҳавас билан келмаганлиги, улкан техникани бошқаришга иштиёқи баландлигини илк даврлардаёқ пайқади. Шу боисдан ёш шогирдига касби сир-асрорларини қунт билан ўргатди. А.Эшмўминов даставвал ковшининг ҳажми 15 куб метр бўлган, двигатели электр энергияси ёрдамида ишлайдиган экскаваторда ишлаб, тажриба орттиргач, машинистликка ўтказилди. Ишдан ажралмаган ҳолда Ўқув марказида гидравлик-дизель ёқилғисида ишлайдиган двигателли экскаватор машинистлиги касбини ҳам эгаллади. Германияда ишлаб чиқарилган, электргидравлик типдаги экскаваторни бошқариш маҳоратини оширишда унга Азамат Турдимуродов устозлик қилди. Ўқиш, ўрганиш, изланиш, устозларнинг кўрсатмаларига амал қилиш туфайли Алишер Эшмўминов тажрибали экскаватор машинисти бўлиб етишди. Бу касбнинг кончилик соҳасида тутган алоҳида ўрни ҳақида гапириб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Зеро, иқтисодимиз учун зарур, қимматбаҳо маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ ғоятда масъулиятли ва мураккаб жараён экскаватор ёрдамида маъданни автоағдаргичларга юклашдан бошланади. А.Эшмўминов меҳнат фаолияти давомида АҚШ, Германия, Япония, Россия давлатларида ишлаб чиқарилган турли типдаги экскаваторларни бошқариб, зиммасидаги топшириқни бажариб келаяпти.

Мана икки йилдирки, у “Ауминзо-Амантой” кони 1-очиқ кон ишлари участкасида Япониянинг “Hitachi” компаниясида ишлаб чиқарилган EX-3600 русумли экскаватор машинисти бўлиб ишламоқда. Алишер Эшмўминов тажрибали машинист Дилшод Ёрқулов бригадир бўлган экипажда жонкуяр ҳамкасблари Жавлон Ҳасанов, Богдан Катаринскийлар билан аҳилликда меҳнат қилиб, экскаваторни доимо техник жиҳатдан соз ҳолда бўлишини таъминлаш ва белгиланган топшириқни ошириб бажаришга ҳисса қўшаяпти. Экипаж жамоаси ойлик режани 130-140 фоизга етказиб уддалаяпти. Ўтган май ойида мазкур бригада экскаватор машинистлари автоағдаргичларга 430 минг куб метр ўрнига 640 минг куб метр тоғ жинсларини юклаб, режани қарийб бир ярим баравар ошириб бажаришга эришдилар. Хулоса ўрнида айтиш мавриди келди: А.Эшмўминовнинг саккизинчи разрядли машинист эканлиги унинг касби сирларини пухта эгаллагани ва юксак малакасидан далолат бераяпти.

Низомиддин ХАЙРИДДИНОВ.

Улуғ шоиримиз Ғафур Ғулом шеърларида таъкидлаганидек, инсон тақдирини ўз қўли билан яратади. Бу жуда ҳақ гап. Аммо ҳар бир инсоннинг умр йўллари қайси ўзанда ва қандай давом этиши, демакки, маълум маънода унинг тақдирида бошқа одамларнинг ҳам таъсири бўлади. Марказий кон бошқармаси Темир йўл транспорти бошқармаси Локомотив хизмати тепловоз машинисти Мусо Комиловнинг меҳнат фаолияти билан бироз танишиб, унинг шукроналик ҳиссига тўлиб-тошган, касбидан бахт, обрў-эътибор топаётганлиги ҳақидаги ҳаяжонли сўзларини тинглаган киши шундай фикрга келиши табиий.

СУЛОЛА КАМОЛ ТОПМОҚДА

Ғиждувон туманининг Явожин қишлоғида вояга етган бу йигит мактабни тугатгач, мустақил ҳаёт йўлини танлашида бош бўлган тоғаси, марҳум Зикрилло Файзуллаевнинг номини миннатдорлик билан эслайди. Эндигина ўн етти ёшга тўлган Мусонинг асрий Қизилқум чўли бағридаги бойликларни ўзлаштириш, саҳрода кўркам объектлар барпо этишга аҳд қилган шижоатли ёшлар сафига келиб қўшилишига Янги-Зарафшон қўрғонида жойлашган Хўжаликлараро қурилиш ташкилотида ҳисобчи бўлиб ишлаётган тоғаси Зикрилло ака сабабчи бўлган. М.Комилов мазкур корхонада ҳаво алмаштириш ва совутиш қурилмаларини таъмирловчи чилангар бўлиб ишлаганига бир йил тўлар-тўлмас ҳарбий хизматга чақирилади. Ватан олдидаги йигитлик бурчини ўтаб қайтганидан сўнг ўтган қарийб йигирма саккиз йиллик меҳнат фаолияти Марказий кон бошқармаси билан чамбарчас боғлиқдир. Дастлаб тўрт йил Уй-жой коммунал бошқармаси мактабгача таълим ташкилотида таъмирловчи-чилангарлик қилди. Ўша кунларнинг бирида МКБ ходимлар бўлимидан кон бошқармасига қарашли Ўқув марказида Темир йўл транспорти бошқармаси тепловоз машинисти ёрдамчилигига ўқитиш бошланаётганлиги ҳақида хабар келади. Мусо Комилов Ўқув марказида тўққиз ой тепловоз машинисти ёрдамчиси касби бўйича ўқиб ҳужжат олди. 1997 йилдан эътиборан Темир йўл транспорти бошқармаси “Бессопан” майдонидаги локомотив-вагон депосидаги амалий фаолияти давомида касб сир-асрорларини эгаллади, тажриба тўплади. Ёш Мусо машинист ёрдамчиси ўқувчиси сифатида иш бошлаган дамларида малакали мутахассис А.Совичдан касбига оид кўп жиҳатларни пухта ўрганди. Ишдан ажралмаган ҳолда машинист ёрдамчилиги, кейинчалик машинистликка ҳам ўқиб олди. У депода ҳаракатланувчи составни таъмирловчи чилангар, локомотивларни кўрикдан ўтказувчи ва таъмирловчи чилангар лавозимларида ҳам фаолият кўрсатди.

Айни пайтда бошқарма Локомотив хизмати тепловоз машинисти бўлган М.Комилов мустақил ишлаётганига ҳам қарийб йигирма йил тўлаяпти. Ёрдамчиси Фахриддин Бозоров билан ўзига биркитилган манёврли тепловознинг техник холатини доимий назорат қилиб бориши туфайли “Мурунтоғ” конидан таркибида қимматбаҳо металл бўлган маъданни 2-гидрометаллургия заводига ташиш юзасидан белгиланган топшириқни ошириб уддалашга муваффақ бўлаяпти. Мусо тепловоз машинистлиги кишидан юксак масъулият, ҳар бир дақиқада эҳтиёткор бўлишни талаб этишини яхши билади ва ишда ҳамиша шунга амал қилади. Ҳудуднинг нотекис, тикқия, нишаб ҳолда эканлигини ҳисобга олиб, тепловозга ўн битта вагон тиркалган. Улар ёрдамида ҳар бир рейсда 1 минг 200 тоннагача маъдан олтин бойитиш заводига етказиб берилаяпти.

Қаҳрамонимиз касбидан бахт топаётган замондошларимиздан. Унинг узоқ йиллик фидокорона меҳнатлари Навоий конметаллургия комбинати ва Марказий кон бошқармаси раҳбарияти томонидан муносиб қадрланмоқда. М.Комилов 2013 йилда учинчи, 2019 йилда эса иккинчи даражали “Кончилик шуҳрати” кўкрак нишонлари билан тақдирланган. Фарзандлари вояга етиб, отасининг изидан бораётганлиги, кон бошқармасида Комиловлар сулоласи шаклланаётганидан Мусонинг кўнгли тоғ қадар кўтарилади. Дарвоқе, тўнғич фарзанди Муҳаммадали Зарафшон саноат касб-ҳунар коллежини тугаллаб, “Ауминзо-Амантой” кони энергия участкасида таъмирловчи-чилангар бўлиб ишлаяпти. Иккинчи ўғли Фирдавс ота касбини танлаган. У Темир йўл транспорти бошқармасида темир йўл монтёри лавозимида меҳнат қилиш баробарида Тошкент кимё-технология институтининг автоматлаштириш ва бошқариш факультетида сиртдан таҳсил олаяпти.

– Мусо Комилов нафақат илғор машинист, балки ибратли оила бошлиғи ҳамдир. У корхонамизда ўтадиган барча оммавий тадбирларда фаол иштирок этади. Тадбирларда ҳаётий тажрибасига таяниб, оила мустаҳкамлиги, бунда ота-онанинг ўрни, фарзандлар бурчи мавзуларида билдираётган фикр-мулоҳазалари ёшларимиз тарбиясига хизмат қилаяпти, – дейди бошқарма касаба уюшма қўмитаси раиси Насриддин Муҳаммедов.

Низомиддин САДРИДДИНОВ.
Дилшод БОБОМУРОДОВ олган суратлар.

■ 26 июнь – Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш куни

МЕҲР ВА ЭЪТИБОРНИНГ БАҲОСИ ЙЎҚ

ёхуд ҳар бир ўғил-қиз ана шу неъматдан баҳраманд бўлсин

Касбим тақозоси билан кўп бора ота-оналари спиртли ичимлик ва гиёҳвандликка ружу қўйган болалар ҳаёти билан яқиндан танишишимга тўғри келган. Уларнинг бетартиб ҳаёт тарзи, тарбиясининг йўқлиги, ёшлигиданоқ эътибордан четда қолгани учун дарсларни қониқарсиз ўзлаштириши, ўзларини тенгдошларидан узоқ тутишининг гувоҳи бўлганман. Очиғи уларнинг қисматини ўйлаб, хавотирга ҳам тушганман баъзида.

Баҳор ойларида ўғлимни спорт машғулотидан олиб қайтар эканман, йўл-йўлакай бир ўқувчи билан суҳбатда бўлдим. Унинг аянчли ҳолати хавотиримни оширди. У менинг ўғлимга қараб: “Ота-онаси кундалигини текширадиган, дам олиш кунлари бирга қариндошлариники ёки бирор жойга олиб борадиган, ота-оналари уларнинг қизиқишларини сўрайдиган болаларга ҳавасим келади, – деди йигитча самимийлик билан кўзларидаги ёшни яширишга уриниб. Бу боланинг илҳақ сўзларидан сездимки, у ҳам тенгқурлари қатори рисоладагидек оиланинг илиқ тафтидан баҳраманд бўлишни жуда-жуда хоҳлаяпти. “Хола, менга алам қиладигани ота-онамнинг баҳоим билан ҳам, тарбиям билан ҳам иши йўқ. Улар ҳам мени мақташларини ёки яхши бола бўл, деб тергашларини, дарсдан кейин бирор бир спорт тўгарагига қўйишларини хоҳлайман”, – деб қолди. Бу менга қаттиқ зарба бўлди. Шундан сўнг ота-онасининг кимлиги, нима иш қилиши, ўзи қайси мактабда ўқишини сўраб билдим.

ҲАЛОЛ РИЗҚ – ҚАЛБ ҲАЛОВАТИ

Ҳаёт инсонга бир марта берилади. Ҳаёти давомида кимдир хайрли, эзгу амаллари билан одамлар орасида яхши ном қолдиради. Бошқа биров қонунга хилоф қилмиши ёки ман этилган фаолияти билан жамиятга зарар етказади. Тўғри, одамларнинг тақдири турлича. Ҳаёт ҳамиша ҳам силлиқ кечавермайди. Одамнинг иродаси сустлиги, баъзан эса, оқибатини ўйламаслиги уни турли ножоиз ҳаракатлардан тийиб қолмаслиги ҳам мумкин. Фаррух (исмлар ўзгартирилган) ҳам ҳаракатлари қонунга зид эканини, бир куни миси чиқса, қилмишига яраша жавоб беришини яхши биларди. Шундай бўлса-да, эгри йўлдан қайтмади.

Рўзғорнинг ола хуржуни елкага тушгач, икки фарзандининг тарбияси-ю рўзғорнинг аравасини хотинига топшириб мўмай пул топиш илинжида Россия давлатига жўнади. Қўлида тайинли касби-кори бўлмаган инсон ҳар ерда ҳам қийналади. Бунинг устига тилни билмаса. Хуллас, ўзи билан бирга кетган қишлоқдошлари ёрдамида бир цехда ишчи бўлиб ишлай бошлади. У ерда турли давлатлардан келган муҳожирлар ишлашарди. Аввалига яхши ишлай бошлаган Фаррухга кейинчалик Ватан соғинчи, ҳаёт ташвишлари оғирлик қила бошлади ва ўзига ўхшаган иродаси суст дўстлар орттириб, кунора даврада йиғиладиган бўлди. Шундай кунларнинг бирида дўстлар марихуанна гиёҳвандлик моддасининг таъмини тотишини таклиф қилишди. Биринчи марта дўстларининг қўлини қайтармаган Фаррух кейинчалик ўзи сўраб, топтириб, буютма қилдириб оладиган ҳолга етди. Кун давомида силласи қуриб ишлаб топган ҳалол меҳнатининг ҳақини оиласига жўнатмасдан ўз эҳтиёжи учун сарфлай бошлади. Бу ҳолга беъэтибор қараб туролмаган ҳамқишлоқлари уни оиласи бағрига қайтариб юборишди. Аммо ғишт қолипдан кўчган, организм шу заҳри қотилга ўрганиб қолган эди.

Фаррух Навоий вилояти Хатирчи туманидаги “Уйшун” маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган, қаровсиз ҳолга келиб қолган, пастқам хонадони эшигини тақиллатди. Икки нафар боланинг еб-ичишию, кийим-кечагидан орттириб ҳовли деворларини сувай олмаган Манзура (исмлар ўзгартирилган) эрини бу аҳволда кутиб олишни ўйламаган ҳам эди. Ранглари бир аҳволда, мадори қуриб, зўрға оёқда турган Фаррух аранг уйига кирди. Отасининг бундай ҳолатини кўрган болалар йиғлаб қучоқлашишди. Фаррух охирги вақтларда фарзандлари билан гаплашмагани, ҳатто уларнинг эҳтиёжи учун пул жўнатмай қўйгани учун ўзидан ранжиди. Ўғлининг бўйлари ўсиб, ўзининг ёшлигини эслатадиган даражага келганини сезмай қолгани, кетаётганида эндигина атак-чечак юра бошлаган қизалоғи бугун югуриб олдига пешвоз чиққанини кўрган ота вақт шу қадар тез ўтаётганини ҳис этди.

Маҳалла масъуллари унинг шароитини, қолаверса, эру хотин меҳнатдан қайтмаслигини инобатга олиб, “Хатирчи Агро-экспорт кластер” МЧЖдан 15 сотихлик узумзорни ижарага ажратишди. Халқ фаровонлигини ўйлаб ажратилган ердан яхшигина даромад қилаётган Фаррухга бу камлик қилди. Ўзга юртда ўрганган хурмача қилиғи одат тусига кирди, хуморини босиш учун яна нималардир қилиши кераклигини режалаштирди. Иш аввалига режадагидек кўчди: марихуанна гиёҳвандлик моддасини ҳовлисига экди, парваришлади, етиштирди, қуритиб сотишга ҳам бир мунчасини ажратди.

МАСЪУЛЛАР НАЗАРИДАН ЧЕТДА ҚОЛГАН “ДЕҲҚОНЧИЛИК”

Хатирчи туманидаги Фаррух яшайдиган маҳалла масъуллари ва профилактика инспектори билан боғландим. Боғландиму, суҳбатдан сўнг ўйга толдим. Бугун маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини такомиллаштириш, унинг вазифа ва ваколатларини кенгайтириш, одамлар ҳаётидаги ролини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбари юртимизнинг қайси манзилига бормасин, аввало маҳаллада олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишади. Юртбошимиз томонидан “Маҳалла жамиятимиздаги адолат тамойилларининг кўзгусига айланиши керак. Бу ер одамлар келиб фикрини, таклифини, дардини айтадиган, муаммосига ечим топадиган жой бўлиши лозим. Маҳалла раиси ва профилактика инспектори ҳудуддаги ҳар бир оиланинг аҳволидан хабардор бўлиши, ким нима билан машғул — ҳаммасини билиши даркор. Ушбу тизимда амалга оширилаётган ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад маҳаллани кечаю кундуз одамларнинг аҳволидан хабардор бўладиган масканга айлантиришдир”, дея маҳаллани аҳолига янада яқинлаштириш мақсадида олиб борилаётган чора-тадбирлар баъзи бир маҳаллаларда фақат қоғозларда қолиб кетаётгандек кўринди назаримда. Маҳаллаларга билдирилаётган катта ишонч, ваколатни “Уйшун” МФЙда фаолият юритаётган масъуллар ҳам чуқур ҳис этганларида, ўзларига бириктирилган ишни масъулият билан бажарганларида, бугун бир оила бошлиғи қора курсига ўтирмас, унинг вояга етмаган икки нафар фарзанди ота тарбиясидан, меҳридан мосуво бўлмаган бўлармиди? Ўзга юртдан омади келмай қайтган Фаррухга нисбатан профилактик ишлар етарлича олиб борилмагани шу каби жиноятни содир этишига шароит яратгандир балки.

КАТТА ЙЎЛДАН ЙЎЛГА ТУШГАН ГЕРОИН

Зарафшон шаҳар ИИБ ҳузуридаги тергов бўлими томонидан жорий йилнинг 2 март санасида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 2-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда. Аниқланишича, 1 март куни соат тахминан 13:20да Зарафшон шаҳар ИИБ ЖҚБ, шаҳар ИИБ ХПБ ва ДХХ Зарафшон шаҳар бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбир давомида, Зарафшон шаҳар 1-кичик туман 2-уйда яшовчи Равшан Саидов (исм-шарифи ўзгартирилган) гиёҳвандлик воситасини ўтказиш мақсадини кўзлаб, ўзи истиқомат қилиб келаётган уйнинг олд томонида Самандар исмли шартли харидорга 600 минг сўм пул эвазига соф вазни 3,513 граммни ташкил қилган марихуанна гиёҳвандлик воситасини сотган вақтида ушланиб, холислар иштирокида расмийлаштириб олинган. Иш бўйича фуқаро Равшан Саидовнинг ҳимояга бўлган ҳуқуқлари таъминланиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 2-қисми билан гумон қилинувчи тариқасида жалб этилиб сўроқ қилинган. 3 март куни эса Зарафшон шаҳар ИИБ ЖҚБ ходимлари ва шаҳар ИИБ ҳузуридаги тергов бўлими ходимлари билан тезкор тадбир ўтказилган. Олиб борилган тадбир давомида Навоий вилояти “Уйшун” МФЙда яшовчи юқорида номи қайд қилинган Фаррух гиёҳвандлик воситасини қонунга хилоф равишда ўтказиш мақсадини кўзлаб, “Навбаҳор” маҳалласининг олд томонидаги автомобиль йўлида тезкор тадбирда иштирок этган Равшанга 2 млн 800 минг сўм эвазига соф вазни 38,490 граммни ташкил қилган марихуанна гиёҳвандлик воситасини сотаётган вақтида ушланган ҳамда эгнида бўлган куртка чўнтагидан 1,692 грамм марихуанна гиёҳвандлик воситаси холислар иштирокида расмийлаштириб олинган. “Иш бўйича Фаррух Ражабовнинг (исм-шарифи ўзгартирилган) ҳимояга бўлган ҳуқуқлари таъминланиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 5-қисми билан айб эълон қилиниб, қамоққа олиш эҳтиёт чораси қўлланилди. Бугунги кунда мазкур жиноят иши юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда”, – дейди биз билан суҳбатда Зарафшон шаҳар ИИБ ЖҚБ катта терговчиси Лазиз Каримов.

ГИЁҲВАНДЛИК – УМР ЗАВОЛИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Жиноятчилик ва гиёҳванд моддалар устидан назорат бошқармаси маълумотларига қараганда, бугун дунё бўйича гиёҳвандликка ружу қўйганлар сони 300 миллиондан ошган. Дунё миқёсида ҳар йили гиёҳвандликка чалинган 200 минг нафардан ортиқ киши ҳаётдан бевақт кўз юмаётгани ҳам айни ҳақиқат. Одатда, инсон ўлимининг 43 та сабаби қайд этилади ва бу рўйхатда гиёҳвандлик оқибатида содир бўладиган ўлим ўн тўққизинчи ўринда турар экан. Яна бир ниҳоятда хавфли жиҳат шундаки, гиёҳвандлик балоси инсоният учун ўта хатарли бўлиб, дунё мамлакатларида содир этилаётган жиноятларнинг қарийб 60 фоизи гиёҳвандликка қарам шахслар ҳиссасига тўғри келаркан. Энг ёмони, таҳлилларга кўра, гиёҳвандлик оғир ва ўта оғир жиноятларнинг содир этилишига ҳам сабаб бўлмоқда. Дарҳақиқат, гиёҳвандлик жамият ҳаёти, миллат генофонди, халқ фаровонлиги, маънавиятига жиддий хавфдир.

ХУЛОСА ЎРНИДА

Мен танишган болакайнинг ҳам ҳаётига бир пайтлар ҳамма ҳавас билан қараган бўлиши табиий. Чунки, отаси Равшан Саидов (исм-шарифи ўзгартирилган) Зарафшон шаҳридаги намунали бир оилада вояга етиб, улғайган. Ота-онасининг эркатойи бўлган Равшан Россияда Фаррух билан танишиб қолиб, ўзаро борди-келди қилиб юриб, гиёҳвандлик домига тушиб қолган. Руҳшуносларнинг таъкидлашича, гиёҳвандликка ружу қўйган одам ўзича исталган пайтда ундан воз кечаман, деб ўйларкан. Аммо бу балодан қутулиш осон эмас, албатта. Равшан ҳам исталган вақтда воз кеча оламан деб ўйлаган эди. Аммо унда мустаҳкам ирода йўқлиги боис ширин ҳаёти заҳар-заққумга айланди, соғлиғини йўқотди. Отасининг ақлий ва жисмоний қуввати заифлашиб бораётганини кўриб улғаяётган балакайнинг ҳаётга қарашлари ўзгаряпти. Қалбимга таскин берган нарса шу бўлди, бу бола фаросатли, ўз қарашларига эга. У ҳозир яқинлари меҳри ва эътиборига муҳтож. Унинг шуурига гўзаллик, яхшилик ва эзгу амаллар жо этилса, элимизнинг фахрли ёшлари сафидан ўрин олишига ишонаман. Бунда эса у таълим-тарбия олаётган шаҳримиздаги 2-умумий ўрта таълим мактаби жамоасининг хизмати катта бўлади. Ўйлайманки, мазкур мактаб раҳбариятида бу борада етарли билим, тажриба ва малака бор.

Нафосат ЗИЁЕВА, журналист.
Мазкур мақола реал воқеаларга асосланиб, Зарафшон шаҳар ИИБ билан ҳамкорликда тайёрланди.

■ Хабарлар. Янгиликлар

КУН ТАРТИБИДА – ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Яқинда “1-ГМЗ” кон бошқармасида ишчи-ходимлар ўртасида коррупциянинг ҳар қандай кўринишларига барҳам бериш, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида, “Коррупцияга қарши курашиш” мавзусида тарғибот-профилактик учрашув ўтказилди.

Учрашувда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари, кон бошқармаси бош мутахассислари ва бўлинмалар раҳбарлари иштирок этишди. Тадбир бошланишида “Коррупция – умр заволи” номли видеолавҳа намойиш этилди.

Тадбирда маърузачилар сўнгги йилларда мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини қонунчилик даражасида ошириш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилганлигини қайд этишди. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, улар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори мазмун-моҳияти ҳақида қисқача сўзлаб беришди.

Шу билан бир қаторда, республикамизда коррупцияга қарши курашиш, фуқаролар ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилганлиги, бу борада халқаро ташкилотлар, давлат органлари ва фуқаролик жамиятлари институтлари ҳамкорлигини янада кучайтириш лозимлиги қайд этилди.

Учрашув якунида иштирокчилар коррупция ҳолатларининг юзага келишига имконият яратадиган ҳозирги кундаги мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари тўғрисида фикр-мулоҳазалар билан алмашишди. Кон бошқармаси вакилларининг саволларига атрофлича жавоблар берилди.

Р.НОРМУРОДОВ,
«1-ГМЗ» кон бошқармаси маънавият ва маърифат ишлари бўйича масъул ходими.
И.БАРОТОВ,
Навоий ихтисослаштирилган прокурори ёрдамчиси.

Жорий йилдан бошлаб Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети қошидаги Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш марказининг Навоий вилояти ҳудудий бўлинмаси томонидан ўзбек адабий тили меъёрлари ва давлат тилида иш юритиш қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этилди.

ТИЛ-МИЛЛАТ КЎЗГУСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 октябрдаги “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ва 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари асосида Марказий кон бошқармасининг 90 нафар муҳандис-техник ходимлари давлат тилида иш юритиш бўйича бир ойлик ўқув курсларига босқичма-босқич жалб этилди. Тингловчилар махсус ўқув дастури асосида ўзбек адабий тили меъёрлари, лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси ҳамда давлат тилида иш юритиш бўйича билим, кўникма ва малакаларини оширишди.

Хужжатлар билан ишлаш сифатини такомиллаштириш мақсадида ўтказилган ўқув курси якунида ходимларни давлат тилида расмий иш юритиш даражаси аниқланиб, давлат тилини билиш бўйича даража сертификатлари топширилди.

Марказий кон бошқармаси
Ахборот хизмати.

■ “101” хабар қилади

Мана юртимизда ёз мавсуми ҳам бошланди. Бундай паллада юртдошларимиз сув ҳавзалари, кўллар, канал ва ариқларда чўмилишга эҳтиёж сезади. Унутмаслик керакки, чўмилишнинг ҳам ўзига хос тартиб-қоидалари бор. Буни билмасдан ёки риоя этмасдан туриб, чўмилиш турли кўнгилсиз ва бахтсиз ҳодисаларга, ҳаттоки, инсон ҳаётига зомин бўлишига олиб келиши мумкин. Бу борада доимий огоҳлантириш ва профилактика тадбирлари ўтказилишига қарамасдан, афсуски, бу каби салбий ҳолатлар учраб турибди.

ҲАЁТИНГИЗ ЎЗ ҚЎЛИНГИЗДА!

Сув ҳавзаларида тақиқланган жойларда чўмилиш, яхши билмаган жойларда сувга шўнғиш, чўмилиш вақтида болаларни қаровсиз қолдириш мумкин эмас. Совуқ сувга тасодифан тушган инсон чўкиб кетиши мумкинлигини барчамиз тўғри англашимиз керак.

Бундан ташқари, мобода сув ҳавзасининг чуқурлиги, ҳолати номаълум бўлса, бундай жойларда чўмилмасликни тавсия этамиз. Шунингдек, сузишни яхши билмайдиган, жисмоний жиҳатдан қувватсиз ёки чарчаган, касал ёки жароҳатланган инсонларни сувга тушишлари қатъиян тақиқланишини зинҳор унутманг! Энг муҳими, сунъий сузиш ҳавзаларида чўмилишдан олдин сузишга борувчилар барча зарурий кўрсатмаларга амал қилишлари ва албатта махсус кийим (резина шляпа, чўмилиш кийими, резина оёқ кийим, кўзойнак)лардан фойдаланишлари лозим.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ота-оналар ўз фарзандларини асло катталар учун мўлжалланган сув ҳавзаларида чўмилтирмаслиги шарт. Совуқ сувда чўмилиш қўл ва оёқ томирларининг тортилишига олиб келиши мумкин.

Бир сўз билан айтганда, чўмилиш қоидаларига қатъий амал қилинг ва ҳаётингиз ўз қўлингизда эканлигини асло унутманг!

Жамшид ЭГАМОВ,
Шимолий кон бошқармаси ОЁХТТЭБ 8-ЁҚҚ смена бошлиғи, катта лейтенант.

■ Ўқинг, қизиқ!

ОЛИМЛАР КУННИНГ ЭНГ СЕРМАҲСУЛ ПАЛЛАСИНИ АНИҚЛАШДИ

Кўпчиликнинг назарида, эрталаб – кунниинг энг сермаҳсул палласи. Аммо бу фикрга қаршилар ҳам етарлича топилади. Масалан, Монаш (Австралия) ва Гранада (Испания) университетлари олимлари катта тадқиқот ўтказишди. Унда 500 минг нафар талаба жалб этилди. Бу талабаларнинг барчаси куннинг белгиланган маълум вақтларида имтиҳон топширишган: соат 9:00, 13:30 ҳамда 16:30 да.

Тадқиқотчилар беш йил давомида, назорат остидаги ҳар бир талаба учун ўртача олтитадан имтиҳонни танлаган ҳолда, таҳлилларни давом эттиришди. Маълум бўлишича, унумдорлик нуқтаи назаридан ва турган гапки энг юқори балларни тўплаш борасида соат 13:30 даги тестларда энг яхши натижалар қайд этилган.

Мутахассислар бундан шундай хулосага келишди: инсоннинг ишчанлик хусусиятлари тушликдан сўнг энг юқори чўққисига кўтарилади. Яна бир жиҳат эътиборни тортган: ёз ойларида мия фаолияти тонгга яқин, қиш фаслида эса кечга яқин энг фаол нуқтасига кўтарилган.

ЁРУҒЛИК ЙИЛИНИ ҚАНДАЙ ТАСАВВУР ҚИЛАМИЗ?

Ёруғлик йили (бир ёруғлик йили Ердаги 100 йилга тенг) бизнинг Сомон йўли галактикамиз ва ундан ташқари масофаларни ўлчаш учун фойдаланилади, дейди астроном Александр Перхняк. Галактикалараро ва бизнинг галактикамиз ташқарисида юлдузлар бир-биридан шу қадар олис масофада жойлашганки, уларни километрда ифодалашнинг имкони йўқ.

Шу боис ёруғлик йили деган тушунча киритилган. Бу космик вакуум шароитида Юлиан тақвимининг бир йили давомида ёруғлик босиб ўтадиган масофа. Агар уни километрга айлантиришга тўғри келадиган бўлса, 9,5 триллион километрга тенг бўлади.

Мисол учун, ёруғлик Ердан Ойгача бир сониядан сал кўпроқ вақтда етиб боради. Қуёшдан Ергача 8 дақиқада етиб келади. Бу дегани Қуёшдан сайёрамизгача масофа – 8 ёруғлик дақиқа.

Бизга энг яқин юлдуз – Альфа Центавр юлдузлар туркумига тегишли Проксима Центаврдир. У 7,5 ёруғлик йили масофасида жойлашган. Қутб юлдузигача эса масофа салкам 450 ёруғлик йили. Унга қараб биз юлдуз ҳали 1500 йилларда таратган ёруғни кўрамиз. Уни бизни нигоҳимизгача етиб келиши учун 500 йилдан кўпроқ вақт лозим бўлган, дея давом этади А.Перхняк “АиФ” (2021 й. 16-сон) газетасида.

Галактикамизнинг у учидан бу учигача 100 минг ёруғлик йилига яқин. Бизга яқинроқ Андромеда галактикаси эса 2,5 миллион ёруғлик йили масофада жойлашган. Яъни, биз уни 2,5 миллион йил аввал қандай бўлса, шундай кўрамиз. Унда ҳали одамлар ҳозирги кўринишга келганлари йўқ эди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Муҳаррир: Низомиддин САДРИДДИНОВ

Техник-муҳаррир: Дилшод СУВОНОВ

Навбатчи: Азамат ЗАРИПОВ

МУАССИС:
“Навоий кон-металлургия комбинати” Давлат корхонаси

Телефонлар:
Муҳаррир: 79 227-74-64.
Факс: 79 227-75-66.

Газета Навоий вилоят матбуот ва ахборот бошқармасида 2015 йил 29 июнда 07-070- рақам билан қайта давлат рўйхатига олинган.

Таҳририят манзили:
210100.
Навоий шаҳри,
Навоий кўчаси, 27-уй,
НКМК бошқармаси.

ISSN 2010-5266

Газета ҳар ойда икки марта чоп этилади ва Навоий кон-металлургия комбинати бўлинмаларига тарқатилади. Баҳоси келишилган ҳолда.

Газета НКМК “Кончилар ҳаёти” газетаси таҳририятида терилди ва саҳифаланди. “Noshir Lux” масъулияти чекланган жамиятида офсет усулида босилди. Нашр сифати бўйича (91) 557-10-95 рақамли телефонга мурожаат этишингиз мумкин.
Босмахона манзили: Самарқанд шаҳри, Спитамен кўчаси, 270-уй.
Қоғоз бичими А-3. 12700 нусхада чоп этилди. Буюртма № .
2021 йил 25 июнь 15:00 да чоп этишга топширилди.